



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 1 апрель, № 66 (8961)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 31 март куни амалий ташриф билан Хўжанд шаҳрида бўлди.



Хўжанд шаҳри аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди.

Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи шарафига давлат байроқлари кўтарилди. Миллий куй-қўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дастлаб Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида икки томонлама дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик юксак даражага кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

2024 йилда товар айирбошлаш ҳажми 700 миллион доллардан ошди. Саноат, энергетика, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Самарали худудларро алоқалар ва фаол маданий-гуманитар алмашинув йўлга қўйилган.

Хукуматлараро комиссиянинг бўлажак йиғилишида амалий ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни тейлаштириш чоралари ишлаб чиқишли муҳим экани таъкидланди.

Етакчилар минтақавий кун тартиби, шу жумладан, мамлакатимизда ўтказиладиган кўп томонлама саммитлар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳузурида ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ҳақидаги баённомани имзоладилар ва ратификация ёрликларини алмашдилар.

Шартнома ўтган йили 18 апрель куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама саммитда имзоланган эди.

Хужжат ратификация ёрликлари алмашилган кундан эътиборан кучга кириди.

Шундан сўнг муқаддас бўлган Рамазон ҳайити муносабати билан бир-бирларини самимий кутладилар. Давлат раҳбарлари қардош халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми, қўшма лойиҳа ва корхоналар

Республикаси Президенти Садир Жапаров билан уч томонлама учрашувда иштирок этди.

Учрашув аввалида давлат раҳбарлари бир-бирларини муборак Рамазон ҳайити ҳамда баҳор, уйғониш ва янгилашни айёми — Наврўз билан кутладилар, биродар халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Президентимиз Тожикистон ва Қирғизистон томонларини барча масалалар узил-кесил ҳал этилгани ҳамда Давлат чегарасини делимитация қилиш тўғрисидаги шартнома имзолангани билан самимий табриклади.

Ушбу ҳужжат, шунингдек, уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуктаси тўғрисида имзоланаётган шартнома барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга, бутун минтақанинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Тантанали равишда очилмаган Дўстлик стеласи эса қардош мамлакатлар ўртасида мустаҳкамлашиб бораётган яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларининг янги рамзига айланиши қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти амалий ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Энг аввало, бу олий даражадаги фаол ва ишончли алоқаларни давом эттиришди.

Шу ҳафта Самарқандда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити ва минтақадаги умумий экологик таҳдидларга бағишланган Иқлим форуми бўлиб ўтди.

Май ойида Кўрфаз араб давлатлари билан саммит, сентябрь ойида эса Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ўтказилди.

Шу муносабат билан бўлажак тадбирлар кун тартибини пухта тайёрлаш ва умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун ташқи ишлар вазирликлари орқали муносабатларимизнинг давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Чегарадор худудларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Қирғизистон ва Тожикистон билан товар айирбошлаш ҳажми ўн қарадан зиддага ошгани қайд этилди. Бу ҳажмининг деярли ярми чегарадорли худудларга тўғри келди.

Шу боис чегаралардаги боғжона пунктларини комплекс модернизация қилиш ва кенгайтириш, қулай, замона-

вий савдо ва логистика инфратузилмасини шакллантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Уч томонлама савдо майдончасини ташкил этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги махсулотларининг доимий фаолият кўрсатадиган кўرғазма-ярмаркасини йўлга қўйиш масаласини ўрганиш таъкид этилди.

Яна бир йўналиш — саноат кооперацияси лойиҳалари.

Бугунги кунда Ўзбекистон корхоналари ва хусусий компаниялари қўшни мамлакатларда замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга фаол сармоя киритмоқда.

Кооперацияни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимиз раҳбари қўшма инвестиция жамғармалари капиталини босқимча-босқич оширишга тайёрлигини билдирди.

Мамлакатлар ўртасида транспорт алоқаларини ривожлантириш борасидаги ишларни давом эттиришга келишиб олинди. Бу авиақатновлар сонини кўпайтириш ва географиясини кенгайтириш, чегарадорли худудлардаги шаҳарлар ўртасида янги автобус йўналишларини йўлга қўйишни ўз ичига олади.

“Яшил” энергетика ва транспорт соҳаларидаги йирик минтақавий лойиҳалар, сув ва экология дастурларини илгари суриш диққат марказида бўлди.

Ўзбекистон Президенти ҳукуматлар иқтисодий йўналишида янада фаол ишлаб, халқларимиз фаровонлигини оширишга қаратилган тезкор, реал натижалар бериши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Шу кунларда Хўжанд шаҳрида қатор маданий-гуманитар тадбирлар ўтказиладигани халқларимиз, айниқса, ёшлар ўртасида дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар йили Наврўз байрами кунларида чегарадорли худудларда қўшма концерт ва дўстлик фестивалларини ўтказишни таъкид этиб, келгуси йилда бундай тадбирларни Фарғона шаҳрида ташкил этишга тайёрлигини билдирди.

Учрашув якунида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуктаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди ҳамда уч давлат раҳбарларининг Қўшма декларацияси қабул қилинди.

Хўжанд шаҳрида ўтган олий даражадаги тадбирлар дастурига мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров уч мамлакат давлат чегаралари туташган худудда Дўстлик стеласини тантанали равишда очдилар.

Уч мамлакат Бош вазирлари ўринбосарлари видеоалоқа орқали давлат раҳбарларига қурилиш ишлари якунлангани ва объект тайёрлиги тўғрисида ахборот берди.

Ушбу ёдгорлик қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамлашиб бораётганининг янги рамзи бўлади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида чегара масалаларининг ҳал этилиши — ҳурмат, суверенитет, тенглик ва ўзаро манфаат таъминлашга асосланган кўп йиллик машаққатли меҳнат, самимий мулоқот ва ҳамкорлик самарасидир. У учта мамлакат халқлари ўртасидаги ишонч ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилган ҳолда, ҳар томонлама шериклигини ривожлантириш учун мулоқот янги истиқболларни очди.

Айни дамда, шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу жараёнда бутун минтақанинг бирлашуви катта роль ўйнади, бу эса моҳиятан, юзага келадиган муаммоларни фақат мурося ва бир-бирининг манфаатларини ўзаро ҳурмат қилиш руҳида тартибга солиш учун асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фаол ташқи сиёсати минтақани яқинлаштириш жараёنларига муҳим ҳисса қўшди. Президент мамлакат раҳбари лавозимига киришган дастлабки кунлардан, Марказий Осиё минтақасини Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг муҳим устувор йўналиши сифатида белгилаб берган.

Яхши қўшничилик ва ишончли мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларни тартибга солиш, умумминтақавий ҳамкорлигини ривожлантириш, халқаро майдонда фаол ҳамкорлик қилиш минтақавий сиёсатнинг асосий вазифаларига айланди.

Хўжанд шаҳрида ўтган уч томонлама саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Бўлиб ўтган уч томонлама музокара-лар якунлари, уларнинг асосий натижа-си сифатида Ўзбекистон, Қирғизистон ва

Тожикистон давлат чегараларининг туташ нуктаси тўғрисидаги шартнома имзолангани юксак баҳоланди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишдаги ютуқлар мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан буён 70 фоизга ошди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида, шу жумладан, қўшма Инвестиция жамғармаси кўмагида саноат кооперацияси муваффақиятли ривожланмоқда.

Энергетика ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги йирик минтақавий лойиҳаларни, шу жумладан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари худудлар ўртасидаги фаол алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш муҳимлигини қайд этидилар.

Президентлар бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ва кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Хўжанд шаҳридаги саммитнинг маданий дастури доирасида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари Хўжанд қалъасига ташриф буюриб, унинг тарихи билан танишдилар.

Бу ноёб мажмуанинг қурилиши миллодан аввалги IV-V асрларга бориб тақалади. Археологик қазималар натижа-сида ўша даврда биринчи қалъа бунёд этилганини аниқланган.

1999 йилда қайта таъмирлаш ишларидан сўнг қалъа ёнида 28 мингдан ортиқ экспонатларни ўз ичига олган ўлкашунослик музейи очилди.

Сўнгги реставрация ишлари жараёнида қалъа деворлари, арки ва дарвозалари қайта тикланди, маъмурий бино, хўнарамандчилик дўконлари қурилди, Хўжанднинг қадимий ҳовлилари намуна-лари яратилди.

Худудда тожик халқи тарихи ва маданиятига оид 5 та кўрғазма залидан иборат мажмуа барпо этилди. 8 та ҳовлида хўнарамандчилик татвотлик, расомчилик, адрас тўқиш, сўзана тикиш, тош ўйма-корлиги, темирчилик ва қулолчилик билан шугullanмоқда.

Давлат раҳбарлари уч мамлакатнинг хўнарамандчилиги, қишлоқ хўжалиги махсулотлари ва миллий таомлари кўрғаз-масини кўздан кечириб, бадий чиқиш-ларни тамаш қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон Респу-бликаси Президенти Эмомали Раҳмон ва

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров уч мамлакат маданияти ва санъат усталарининг концертида қатнаш-дилар.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида биродар халқларни баҳорий янгилашни байрами Наврўз ва муборак Рамазон ҳайити билан чин дилдан қутлади.

Бугун халқларимиз учун, ҳақиқатан ҳам, катта ва узоқ қутилган байрам. Биз уч давлат чегараларининг туташ нуктаси ҳақидаги тарихий шартномани имзоладик. Бундан буён чегаралар — биродар-лик чизиқлари, янги имкониятлар, бунёд-корлик ва ҳамкорлик маконидир, — деди Президент.

Халқларимизнинг муқаддас туپроғи, дини, тақдири бир, ташвишу қувонч-лари, интилишлари ўхшаш экани таъкид-ланди. Энди бу гўзал заминни бугунги ва келажақ авлодлар муносиб ва бахтли яшаш учун биргаликда обод қилиш биз-нинг бурчимиздир.

Кейинги йилларда умумий сиёсий иро-да туфайли мамлакатларимиз ўртасида-ги муносабатларда улкан ижобий ўзга-ришлар юз берди.

Кўни кеча Ўзбекистон билан Тожи-кистон ўртасидаги Иттифоқчилик муно-сабатлари тўғрисида шартнома кучга кирди. Яқин кунларда Ўзбекистон ва Қир-ғизистон ўртасида ҳам шундай ҳужжат имзоланади.

Савдо, инвестициялар, юк ташиш, фуқароларнинг борди-келдиши изчил кўпайиб бормоқда. Муваффақиятли кооперация лойиҳалари сони ошмоқда.

Маданий тадбирлар, ижодий фести-валлар, ёшлар форумлари, спорт му-собақаларини мунтазам ўтказиб бориш-га алоҳида эътибор қаратилди.

Санъат чегара билмайди, унинг буюк вазифаси одамларни бирлаштириш. Уч мамлакатнинг истеъдодли санъат у-сталари ихросидаги бугунги концерт ҳам маданиятларимизнинг бойлиги, ранг-ба-ранглиги ва муштараклигини яна бир бор намоиш этди, — деди сўзининг якуни-да Ўзбекистон Президенти.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг То-жикистон Республикасига амалий таш-рифи якунланди.

Аэропортда Ўзбекистон Республика-си Президенти Шавкат Мирзиёевни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон кузатиб қўйди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Майбут хизмати суратлари.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган 30 март куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлган Рамазон ҳайити муносабати билан бир-бирларини самимий кутладилар. Давлат раҳбарлари қардош халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми, қўшма лойиҳа ва корхоналар

бизнес форумини, шунингдек, Туркия Буюк миллат мажлиси делегациясининг Парламентлараро Иттифоқ ассамблеясининг 150-сессиясида иштирок этиш учун ташрифини самарали ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзаси-дан ҳам фикр алмашдилар.

КЕЛИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЛОЗИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф 30 март куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлган Рамазон ҳайити — Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан бир-бирларини самимий кутладилар. Дўст Ўзбекистон ва Покистон халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилаклари изҳор этилди.

Жорий йил февраль ойида Поки-стон Бош вазирининг Ўзбекистонга тарихий ташрифи давомида эришил-ган келишувларни “Йўл харитаси”га мувофиқ амалга ошириш масалала-ри муҳокама қилинди.

Вазирликлар, идоралар ва тармоқ-лар даражасидаги мулоқотлар фаол-лашгани ва алмашинувлар самарали

тус олгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Март ойида Исломобод шаҳрида Ўзбекистон озиқ-овқат махсулотлари кўрғазмаси муваффақиятли ўтказилди. Апрель ойидан Лаҳорга қўшимча авиа-рейслар йўлга қўйилиши режалашти-рилган.

Қўшма лойиҳаларнинг ижросини кўриб чиқиш ва уларни жадаллашти-

риш чораларини кўриш учун Ҳукумат-лараро комиссиянинг навбатдаги йи-ғилишини жорий йилда ўтказиш муҳим-лиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилар-и минтақа кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр ал-машдилар.

Ў.А.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ЯНГИ ДАВР



2025 йил 31 март. Марказий Осиёдаги қардош, ёндош, жондош халқлар учун том маънода тарихий кун. Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон Президентлари уч томонлама учрашув ўтказиб, давлат чегараларининг туташ нуктаси тўғрисидаги шартномани имзолади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров уч мамлакат давлат чегаралари туташган ҳудудда Дўстлик стеласини тантанали равишда очди. Бу тарихий жараёнларни мамлакатларимиз аҳолиси катта қувонч ва ҳаяжон билан кузатди. Азалдан бир дарёдан сув ичиб, аҳил-иноқ, дўсту қадрдон, ўзаро таянч, суянч бўлиб яшаб келган халқлар учун бу воқелик тарих саҳифаларига абадий тинчлик-тотувлик тимсоли ўлароқ муҳрланади. Дунё сиёсатчилари, соҳа эксперт ва мутахассислари, оддий инсонлар Марказий Осиё мамлакатлари ҳаётидаги бу ютуқлар бундан саккиз йил олдин Ўзбекистон раҳбари томонидан бошланган дўстона ва конструктив ташқи сиёсат самараси, қўшни давлатлар билан чегара муаммолари ва бошқа низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган интилишлар натижаси эканини эътироф этмоқда.

ДЎСТЛИК БОГИДА КЎКЛАМ СУРУРИ

Мунаввар ПАРДАЕВ, Сирдарё вилояти тожик миллий маданий маркази раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси:

— Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан кейин Марказий Осиё интеграцияси йўлида дадил қадамлар ташланди. Эсимда, 2017 йилнинг баҳори борлиққа бор сепини ёёётган бир паллада Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси сарҳадлари ўртасидаги кўлаб чегара божхона ўтказиш пунктлари очилиб, икки қардош халқнинг азалий дўстлик боғида ҳам кўклам сурури кезган эди.

Ушанда камина Ховос туманидаги ана шундай ўтказиш пунктининг қайта очилиш танта-насида қатнашиб, бу қувончли воқеа ишти-рокчилари кўзидаги севинч ёшларига гувоҳ бўлгандим. Ушанда тожикистонлик бир ота-хоннинг соғинч тўла нигоҳи эса хотирамга умрбод муҳрланиб қолган. Нуруний Ўзбекистонга келин бўлиб тушган ва ўн саккиз йилдирки, кўришмаган қизи ҳамда хали бир бор кўрма-ган неваралари дийдорига ўша кун итишган эди... Шукрки, бугун бундай узоқ йиллик со-ғинчлар йўқ, негаки, икки давлат ўртасидаги борди-келди ўша баҳордан бошлаб раво-н ва бемалол бўлиб қолди. Ўзаро ҳамкорлигимиз кучайди. Айни чоғда маданий алоқаларимиз ҳам ривож топмоқда.

Хусусан, бундан бир неча йил аввал биз, сирдарёлик ижодкорлар Хўжандда, тожики-стонлик журналист қардошларимизнинг касб байрамида қатнашдик. Касбдошларнинг ижо-дий фаолияти билан танишдик, кўҳна ва кўркем Хўжандни томоша қилдик. Ўз навба-тида, Сўғд вилояти журналистлари ҳам Мат-буот ва оммавий ахборот воситалари ходим-лари куниди Сирдарёда меҳмон бўлди. Бугун Сўғд вилояти оммавий ахборот воситалари, тожикистонлик журналистлар, ёзувчилар, шоирлар билан ижодий ва ўзаро алоқалари-миз мунтазамлик касб этган.

ҚАДРИЯТЛАРИНИ ҚАДРЛАГАН ХАЛҚЛАР

Дилноза ТАПИВАЛДИЕВА, Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Савдо ва туризм тармоғи раҳбари:

— Икки мамлакат етакчилари олиб бо-раётган оқилона сиёсат туфайли Ўзбеки-стон ва Қирғизистон ўртасида кейинги етти-саккиз йилда савдо алоқалари изчил ривож-ланди. Исрол учун, яқинда бир ғуруҳ ўзбек тадбиркорларининг Ўшга ташриф буюриб 30 дан ортиқ қирғиз ишбилармонлари билан ҳамкорлик бўйича маслаҳатлашиб ол-гани фикримизга тасдиқ. Унда турли соҳалар бўйича қатор келишувлар имзоланди.

Биргина сўнгги уч йилда 500 дан ортиқ тадбиркорлар ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораётгани икки давлат иқтисодиёти риво-жига салмоқли хисса бўлиб қўшилмоқда. Бу ўзаро савдо муносабатларида барқарорлик-ни таъминлашга хизмат қиляпти. Қирғизис-тон Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикла-ридан бири бўлиб, ўзаро савдо ҳажмининг ўсиб боришида иккала давлат ўртасидаги транспорт-логистика ва божхона соҳасида қўлайликлар яратилгани муҳим омил бўлмоқда.

Яқинда Ўзбекистон экспортчилари уюш-маси ва уларнинг Қирғизистондаги вакиллари тарафидан икки давлат тадбиркорларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди. Ишбилармон-лар томонидан имзоланган келишувлар мил-латлараро дўстлик ва қардошликка яна бир кўприк бўлади, деб ишонч билан айта ола-миз. Зеро, ота-боболаримиз Буюк Ипак йўли орқали савдо қарвонлари билан ўзаро ба-ҳамжиҳат фаолият олиб борган. Бугунги саъй-ҳаракатлар ушбу азалий алоқаларнинг мантӣқий давомидир. Қадриятларини қадр-лаган халқлар ҳеч қачон кам бўлмайди.

ТАРИХИЙ ЛАҲЗАЛАРГА ГУВОҲ БЎЛАЁТГАНИМДАН ХУРСАНДМАН

Шарифбой ТУРСУНОВ, меҳнат фахрийси, 85 ёш (Тожикистон):

— Хўжанд шаҳрининг ўртасидан минтақамиздаги йирик дарёлардан бири — Сирдарё оқиб ўтади. Бола-лигимдан шу ерларда ўйнаб катта бўлганман. Қаҳатчилик, қийинчилик йилларини кўрдик. Ўзбеклар, тожик-лар бир тану бир жон бўлиб яша-

дик, бир майизни тенг бўлиб едик.

Айтмоқчиманки, халқ бирлаш-са, миллатлар ҳамжиҳат бўлса, уни енгиб бўлмайди. Буни биз ўз тажрибамизда кўрдик. Қийин дам-ларда бир-биримизга суянч бўлдик, бир-биримизни қўллаб-қувватладик...

Бугун азалий ришталар янада мустаҳкамланмоқда. Давлатларимиз

рахбарлари бу борада барчага на-муна бўляпти. Мана шундай дори-ламон кунларга етказганига шукр.

Айни кунларда Хўжанд шаҳри — дунё аҳлининг диққат марказида. Бу ерда ўтган нуфузли анжуман унинг кўҳна ва ҳамиша навқирон кўрғига кўрк қўшмоқда. Шундай тарихий ла-ҳзаларга гувоҳ бўлиш менга ҳам на-сиб этганидан бениҳоя хурсандман.

УМРБОД ЁДДА ҚОЛАДИГАН БАЙРАМ

Ўринбой УСМОНОВ, Ўзбекистон ва Тожикистон Ёзувчилар уюшмалари аъзоси:

— Байрамда ғамдан гапирмайди-лар, лекин қардош халқларимиз-нинг яқин ўтмишда бир-бириники-га бориш учун чегарадан ўтишда чеккан азоб-уқубатлар беихтиёр кўз ўнгимга келади. Чегараларнинг ҳар икки томонида ҳам қариндошининг тўйига боролмай, дилда ғам билан ноилоҳ ортга қайтганларни, энг яқин кишисининг жанозасига ўта олмай, темир панжараларга ҳолсиз суянганча аламли ёш тўккан киши-ларни эслаймиз.

Саккиз йил муқаддам бунга чек

қўйилди, ёпик чегаралар қайтадан очилди. Ўша кунлардаги ўзбеклар ва тожиқларнинг шодлигини тасвирлаш қийин. Ушанда Патар — Андархон чегара-ўтқиш масканига борганимда ҳамманинг қўли дуога очилган — икки давлат раҳбарларини алқашар-ди. Ўтган даврда Ўзбекистон ва То-жикистон ўртасидаги бошқа чегара-ўтқиш масканлари ҳам очилди, икки мамлакатнинг қўшма бозори қури-лиши давом этмоқда.

Президент Эмомали Раҳмон Ўзе-кистон Президенти Шавкат Мирзиёев-ни “Марказий Осиёда дўстлик му-носабатларининг меъмори”, деб атагани беҳиз эмас. Ўзбекистон раҳбари нафақат Тожикистон, балки

бошқа қўшни мамлакатлар, хусусан, Қирғизистон билан ҳам дўстона му-носабатларни тиклади, ёпик чегар-аларни очди. Ўзбекистон ва Тожи-кистон ўртасидаги дўстлик муноса-батларида ўтган йили яна бир катта қадам қўйилди. Икки қўшни мамла-кат иттифоқчига айланди. Саккиз йилдан буён Ўзбекистон ва Тожики-стон ўртасидаги иқтисодий, маданий муносабатлар беқиёс даражада ўсди, сайёҳлик ривожланди.

Ишонаманки, Хўжандда ўтказил-ган уч давлат раҳбарларининг олий даражадаги тарихий учрашуви ўзбек, тожик ва қирғиз халқлари-нинг абадий дўстлигини яна бир бор намоён этади.

ЎЗАНИ БИР ДАРЁЛАР

Ёркиной ХОТАМОВА, Ўсуфжон қизик Шакаржонов номидида Фарғона вилояти драма театри актрёси, Ўзбекистон халқ артисти, Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист:

— Таъбир жоиз бўлса, қардош халқ-лар ижод бўлуғидан сув ичиб катта бўлган санъаткорман. Боиси актёрлик фаолиятим давомида 10 йил Қирғизис-тоннинг Ўш давлат драма театрида ишлаб, Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлдим. Кейин бир мuddат Тожикистон халқ ар-тисти Жўрабек Муродов билан ижодий

ҳамкорликда фаолият олиб бордик. Шу сабабли, ўзбекчадан ташқари қирғиз, тожик ва қозоқ тилида ҳам бемалол кўилай оламан.

Афсуски, узоқ йиллар давомида че-гара билан боғлиқ муаммолар туфай-ли қардошлик муносабатлари, ижодий ҳамкорлигимизга пугур етди. Ўзаро ижодий таъриба алмашиш тўхтаб қолди, байрам тантаналари, тўй-маъ-ракаларга бориш қийинлашди. Бу эса ўн йиллар мобайнида қадрдонлик ва қардошлик ришталари узилишига са-баб бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг

ташаббуси билан образли айтганда, гўё қўлмак сувдек бир жойда тўпланиб қол-ган улкан дарёлар бугун яна солланиб бир ўзанга қўшилмоқда. Кейинги йил-ларда Қирғизистон, Тожикистон театр-ларига ижодий сафарлар уюштирялмиз. Ўз навбатида, қардошларимиз ҳам янги саҳна асарлари орқали ўзбек томоша-бинларини мамнун этипти. Ўтган йили Ўш театрида Саид Аҳмаднинг “Уфқ” аса-ри асосида саҳна кўриниши намойиш эт-ган бўлсак, жорий йилнинг ёзида Хўжанд театрига гастролга боришни режа-лаштирганмиз. Бундай тадбирлар мам-лакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш ҳамда қар-дошлик ришталарни бундан-да мустаҳ-камлашга ҳисса қўшади.

УЗОҚ КУТИЛГАН ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР

Дилбар САМАДОВА, Бобожон Ғафуров номидида Хўжанд давлат университетги кутубхонаси директори, филология фанлари номзоди (Тожикистон):

— Бу ҳаяжонли дамлари биз ана йиллардан буён кутаётган эдик. Эсимда, бундан 15 йил олдин Ўзбекистонга совчиликка бориш учун виза олишга тўғри келган. Жуда қийналганмиз, у ёқдаги қариндошларимиз бизни кўриб, тўғриси, йиғлаган. Чунки қариндош-уруғлар ҳам бир-бирини кўришга боролмай қолган эди-да.

Бугун бундай муаммолар йўқ — Тожикистон билан Ўзбекистон ҳукуматлари чегарадан ўтиш тартибини, шунингдек, қўшни мамлакатда бўлиб туриш шартларини анча енгиллаштирган. Икки халқ, тожик ва ўзбек оилалари қариндошлик ҳамда маданий алоқаларни мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёда давлатлар ўртасида очиқ ва дўстона ҳамкорлик даврини бошлаб берди. Бу таҳсинга сазовор. Ўзаро муносабатлардаги “музлар эриди”, муаммолар ҳал бўлмоқда. Сиёсий ирода ва ўзаро ён беришлар асосида чегараларни делимитация қилиш масаласи тўлиқ ҳал этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси давлатлараро алоқалар янги босқичга чиққанидан далолат беради.

АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИМИЗ ГУЛЛАБ-ЯШНАМОҚДА

Канибек ИМАНАЛИЕВ, Қирғизистон Миллий ёзувчилар уюшмаси раиси:

— Марказий Осиёда янгича муҳит шаклланимоқда. Қўшни дав-латлар ўртасидаги муносабатлар юқори поғонага кўтарилмоқда. Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Президентлари иш-тироқидаги саммит ҳам уч қар-дош халқни янада яқинлаштириш-га хизмат қилади.

Қардошлик ришталари ҳақида гап кетганда, ўтган йилги Париж Олимпиадаси ёдимга келади. Бизнинг боксчимизга мураббий-лик қилган ўзбек йигитининг қан-чалик қунонлини, меҳри баланд-лигини кўриб, икки халқнинг қондош ва жондош эканига яна бир бор амин бўлдик.

Ёзувчилар уюшмамиз ҳақида айтиладиган бўлсам, ўтган йили биз уюшма ташкил этилганининг 100 йиллигини нишонладик.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшма-сидан ҳам меҳмонлар қатнаш-ди. Қирғизистонда ўзбек ада-биётига эътибор жуда катта. Биз яқин кунларда Тошкентда Чингиз Айтматов ижодида ба-ғишланган халқаро конферен-

ция ўтказамиз. Машхур ёзувчи-миз асарларини севиб мутолаа қилмайдиган бирор ўзбек китоб-хонини топиб бўлмаса керак. Чингиз Айтматов Одил Ёкубов бил-лан қалин дўст эди. Бу дўстлик бугунги кунда уларнинг шоғирд-лари тимсолида давом этмоқда.

Тошкентга борганимизда бизни доим очиқ чеҳра билан кутиб олишади. Қирғиз ёзув-чилари асарлари ўзбек тили-да, ўзбек адаблариники қир-ғиз тилида нашр этилади. Яъни бу ҳамкорлик адабий алоқала-римизнинг янада гуллаб-яшна-шига хизмат қилмоқда. Ўзе-кистондаги янгиланишлардан биз, адабиёт аҳли жуда хурсандмиз. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев-нинг Манас қишлоғини обо-донлаштиришга қўшган ҳисса-си ҳақида кинофильм яратмоқ-чимиз.

Яна шуни айтмоқчиманки, Хи-той — Қирғизистон — Ўзбеки-стон темир йўли қурилиши ажу-нланса, жaxon бозорига яна бир йўл очилади. Бу биз учун қади-мий Буюк Ипак йўлининг янги даврини бошлаб беради.

БЕБАҲО БОЙЛИК

Ёрқинжон ҲАЙИТБОВЕВ, «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиби, Гулистон давлат университети ёшлар етакчиси:

— Хўжандда давлат чегара-ларининг туташ нуктаси тўғри-сида тарихий шартнома имзо-ланиши ҳамда Дўстлик стела-сининг очилиши дунёда осойиш-талик энг танқис неъматга айланган, мамлакатлар ўртаси-даги ишончга пугтур етган ҳозирги даврда чинакам муваф-фақият бўлиб, Марказий Осиё-да ўзаро дўстлиқнинг, ҳамкор-лик ва ҳамжиҳатлиқнинг амалий ифодасидир.

Қўшни давлатлар, хусусан, Тожикистон Республикаси билан дўстлигимиз ва яхши қўшничи-лик алоқаларимизга дунё аҳли ҳавас қилади. Халқларимиз ўртасидаги бу бебаҳо бойлики асраб-авайлаш ва янада мус-таҳкамлашда биз, ёшлар ҳам фаол иштирок этишимиз шарафли бурдир.

Шу маънода, биз Тожикистон Республикасининг Сирдарё ви-лоятига қўшни ҳудудларида яшаётган ёшлар билан ўзаро дўстлик алоқаларини кучайти-риш ҳаракатидаммиз. Айни шу мақсадда, яъни қўшни мамла-кат ёшлари билан дўстлик, қар-дошлик муносабатларини мус-таҳкамлаш борасида бир неча лойиҳаларни амалга оширишни мўлжаллаганмиз. Жумладан, ўзбек ва тожик йигит-қизлари ўртасида илмий, ижодий форум ва фестиваллари янада кенгай-тириш ниятимиз бор. Шунинг-дек, икки мамлакат ёшларининг ўзаро борди-келдиши, яъни қўшни давлатларга саёхатлари қўпайтирилса, мақсадга муво-фиқ бўлади.

Биз, ёшлар икки қардош халқ ўртасидаги алоқаларни янада кучайтиришда фаол қатнаша-миз ва боболаримиздан мерос дўстлигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаймиз, эъзоз-лаймиз.

МАДАНИЯТ БИЗНИ ЯНАДА ЖИПСЛАШТИРАДИ

Аъзамжон АБДУРАЗЗОКОВ, Бобур номидида Ўш давлат академик музыкали драма театри директори (Қирғизистон):

— Қирғизларда “Бахт асоси бирликдир”, деган аjoyиб ма-қол бор. Уни эшитганимда кўз ўнгимга бир-бирининг урф-одат-лари, маросимлари, қадриятла-рини ҳурмат қиладиган ўзбек ва қирғиз халқлари келади. Қардош элларнинг азалий дўстлиги бу-гун чин маънода ўзини намоён этаётганини кўриб турибмиз. Ҳамкорлик ва дўстлик меваля-ридан бири — 2021 йилда Ўзе-кистон ёрдами билан Ўш давлат академик музыкали драма теат-ри биносининг таъмирланиб, кўркем ва гўзал қошонага ай-лантирилгани бўлди. Бу кўмак халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришда му-ҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Дўстона алоқалар туфайли икки халқ ўртасидаги қардошлик ришталари тобора мустаҳкамла-ниб бормоқда. Маданият соҳа-сидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Масалан, 2024 йил-да Тошкентда Қирғизистон ма-даният қўнағи бўлиб ўтгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Теат-римиз Ўзбекистонга гастроль сафарларига тез-тез бориб ту-ради. Яқинда Ўшда Андижон теат-ри артистлари спектакль на-мойиш этишди. Биз ҳам Анди-жонга бориб мақом концертини ўтказдик. Халқаро фестивалда муваффақиятли қатнашдик.

Мақсадимиз — азалий қар-дошлик ришталарини маданият, санъат ва театр орқали янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш. Зеро, маданият халқларни бир-лаштиради.

«Халқ сўзи».

«ДЎСТУ ҚАРДОШДИР АЗАЛДАН ЎЗБЕГИМ ТОЖИК БИЛАН...»

Қарийб тўрт йилдирки, Ўзбекистонда Тожикистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси сифатида фаолият олиб боряпман. Бу даврда дўстлик, илиқ муносабатлар ва ҳамкорлик изчил ривожланаётганидан хурсандман. Охирги йилларда ўзбек ва тожик халқлари муносабатларида улкан муваффақиятлар кузатилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг 2018 йил март ойида Душанбега қилган давлат таширифида Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон билан учрашуви чоғида икки давлат ўртасидаги барча мавжуд муаммолар бартараф қилинди ва янги ҳамкорлик йўллари очилди. Тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги кўп асрлик яқин дўстлик муносабатлари бутунлай янги босқичга чиқди.

Хамкорлик

Ўша даврдан бугунги кунга қадар икки томонлама ҳамкорликда кўп ўзгаришлар кузатилмоқда. Тўрт юздан кўпроқ ҳукуматлараро ва давлатлараро келишувлар, муассаса ва корхоналар ўртасида 500 дан ортик шартномалар имзоланди. Иқтисодий, савдо, маданий ва гуманитар, қисқача айтганда, барча соҳада ҳамкорлик ривожланмоқда.

Кейинги йилларда икки мамлакат вазирликлари ва идоралари ўртасида кенг қамровли алоқалар йўлга қўйилди. Бир неча иқтисодий ва савдо йўналишларида юксак мақомдаги форумлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йили Тожикистонга қилган давлат таширифи ҳамда бўлиб ўтган иқтисодий ва савдо кўргазмаси шунинг кўрсаткичи, ўзаро ҳамкорлик изчил кенгайилмоқда. Ўшбу ташириф доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон Иттифоқчиллик муносабатлари тўғрисидаги тарихий шартномани имзолади.

Икки давлат раҳбарларининг оқилона сиёсатлари туфайли қўшма корхоналар очилмоқда. Бугунги кунда Тожикистонда жуда катта саноат корхоналари Ўзбекистон тadbиркорлари сармояси билан бунёд этилмоқда. Шунингдек, Тожикистон тadbиркорлари Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Бу икки мамлакат ўртасидаги изчил иқтисодий ҳамкорлик самарасидир.

Шунингдек, ҳар йили Ўзбекистоннинг турли вилоятлари марказларида ўтказиладиган кўргазмаларда Тожикистон тadbиркорлари фаол қатнашмоқда. Мамнуният билан айтиш мумкинки, Фарғона, Наманган, Андижон, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва Тожикистоннинг Сўғд вилояти ўртасида меморандумлар имзоланган бўлиб, улар орқали дўстона алоқалар янада мустаҳкамланмоқда. Жорий йилда Сўғд вилояти ҳокими Наманган ва Тошкент вилоятларида фаолият юритаётган муассаса ва ташкилотларга ташириф буюрди, ўшбу ҳудудлардаги серхосил боғлар билан танишди.

Қишлоқ ҳўжалиги йўналишида ҳам ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Бунга Ўзбекистон ва Тожикистон Қишлоқ ҳўжалиги вазирликлари саъй-ҳаракати билан Хисор шаҳрида 20 гектарда «Дўстлик боғи» барпо этилаётгани ҳам аққол мисолдир. Ўшбу боққа экилган кўчатларнинг катта қисми Ўзбекистондан олиб борилади. Шунингдек, икки давлат деҳқонлари тажриба алмашиши учун Сўғд вилоятида Илмий-амалий марказ бунёд этилган ва 130 гектарда Ўзбекистон олимлари томонидан етиштирилган юқори сифатли бўғдой навлари экилган. Ўйлайманки, бу ишлар яхши самара беради.

Хатлон ва Сурхондарё вилоятлари ўртасида ҳам жуда яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган. Сурхондарёнинг кўп туманлари Хатлон вилояти билан меморандум имзолаган ва ўш асосда қўшма корхоналар таъсис этилмоқда. Яқинда Душанбе шаҳрида халқаро заргарлик форуми ўтказилди. Ўшбу тadbирларда Ўзбекистондан ҳам кўп заргарлар ўз меҳнатлари маъсулини намойиш этди. Мамлакатларимиз ташаббуси билан Зарфшон дарёсида иккита гидроэлектр станцияси бунёд этиш кўзда тутилган. Бу ердаги лойиҳалар ижросини Тожикистон ва Ўзбекистон Энергетика вазирликлари назоратга олади.

Транспорт йўналишида ҳам ҳамкорлик жадал давом этмоқда. Товарлар учинчи ва тўртинчи давлатларга Ўзбекистон ва Тожикистон орқали ортиқча оворагарчиликларсиз ўтказилмоқда. Бу ҳам, албатта, икки давлат раҳбарларининг дўстона сиёсати ҳамда халқларимизнинг мустаҳкам алоқаларидан дарак беради.

Маданият, адабиёт ва гуманитар йўналишларда ҳам алоқаларимиз тезда ўз бўй-бастини кўрсатди. Элчиҳоналар ташаббуси ва тегишли вазирликлар қўллаб-қувватлаши туфайли Тожикистон ва Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорларининг форуми Душанбе ва Тошкент



шаҳарларида ўтказилди. Ўшбу нуфузли анжуманларда ҳамкорлик меморандумлари ва шартномалар имзоланди. Маданият йўналишида ҳам қўллаб муваффақиятли лойиҳалар амалга оширилди. Ўзбекистоннинг тўрт нафар санъаткори «Тожикистон халқ ҳофизи», яна бир нафари «Тожикистон халқ артисти» унвони билан тақдирланди. Шунингдек, Тожикистоннинг олти нафар санъаткори «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Бу илм ва маданият вакиллари ўртасида катта ютуқ ҳисобланади ҳамда ўзаро ҳамкорлик йўлидаги улкан муваффақият ҳамдир. Икки мамлакат Ёзувчилар уюшмалари ҳамда Журналистлар уюшмалари ўртасида ҳам меморандумлар имзоланган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлган олти нафар тожик адаби Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига ва тожикистонлик беш нафар ўзбек адаби Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Тожикистон ва Ўзбекистон расомлари ҳам самарали ҳамкорликни бошлади. Тожикистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида тожикистонлик расомлар асарларининг уч мартабга кўргазмаси ташкил этилди. Аниқ ва техник фанлар йўналишида илмий даража олиш учун мутахассислар Ўзбекистоннинг илмий кенгашларига ҳужжат топшириб, ўз тadbқиотларини химоя қилипти. Уларга Ўзбекистон олимлари яхши шароит яратиб беришгаётгани эътирофга лойиқ.

Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасидаги мавжуд 17 та ўтказиш пункти орқали ҳар куни юзлаб тожикистонликлар ва ўзбекистонликлар бир-бирларининг диёрларига саёхатга бормоқда. Ташкилдош лозимки, ўтган йили Тожикистоннинг 1 миллион 200 дан кўпроқ фуқаролари Ўзбекистонга ташириф буюрди. Ўзбекистоннинг 800 мингдан ортик фуқаролари меҳмон сифатида Тожикистонда бўлди. Бу чегараларимизда ҳам дўстона муҳит барқарор эканидан далолат.

Кеча Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳўжанд шаҳрига ташириф буюрди. Ўзбекистон Президентининг ўшбу таширифи ҳам жуда муҳим бўлиб, у Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутди. Ишончимиз комилки, Ҳўжанда ўтказилган уч томонлама мулоқот қўшни давлатлар ва Тожикистон ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлайди. Шу нуктаи назардан, биз мазкур тарихий тадбир Тожикистонда бўлиб ўтганидан фахрланамиз. Бу муҳим воқеа Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги дўстликни янада кучайтиришига, тожик, қирғиз, ўзбек халқларини янада жипслаштиришига ишонамиз.

Сўзининг охирида айтмоқчиманки, тожик ва ўзбек халқларининг азалий дўстлиги бардавом бўлсин. Чунки бизнинг шоирларимиз, адибларимиз буни кўп таъкидлашган. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ёзгандек,

Дўсту қардошдир азалдан Ўзбегим тожик билан, Иккиси бир байт газадан Ўзбегим тожик билан.

Шу ўринда катта эҳтиром ва меҳру муҳаббат билан қадрли Ўзбекистон халқини Наврўзи олам ва Рамазон ҳайити билан чин кўнгилдан самимий табриклайман. Ўзбекистонда яшайётган барча халқлар ва миллатларга сичат-саломатлик, узoқ умр ва абадий дўстлик тилайман.

Абдулжаббор РАҲМОНЗОДА,
Тожикистон Республикасининг
Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси.

Мулоқот

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ



Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Хитой Халқ Республикаси (ХХР) Коммунисттик партияси Марказий қўмитаси аъзоси, Халқаро алоқалар бўлими мудирі Лю Цзяньчао бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Суҳбат давомида икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ишонч ҳамда дўстона муносабатлари туфайли Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик стратегик даражага кўтарилгани алоҳида таъкидланди. Инвестиция, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, таълим соҳаларидаги лойиҳалар муҳокама қилинди. Икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик-

ни чуқурлаштиришга эътибор қаратилди.

Шунингдек, томонлар стратегик шериклики янада ривожлантириш ва парламентлараро алоқаларни кучайтириш масалаларини ҳам муҳокама қилишди. Икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашнинг асосий механизми сифатида парламентлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик муҳими-

ги таъкидланди. Пойтахтимизда бўлиб ўтадиган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси доирасидаги икки томонлама амалий мулоқотнинг истикболлари юзасидан фикр алмашилди.

Ўз навбатида, Лю Цзяньчао эришлагётган муваффақиятларни юқори баҳолаб, Хитой томони Ўзбекистон билан барча соҳада, жумладан, иқтисодиёт, маданият, туризм ва таълим соҳаларида фаол ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини билдирди.

Мулоқот якунида томонлар икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, умумий стратегик мақсадларни амалга оширишда муҳим ўрин тутадиган парламентлараро алоқаларни чуқурлаштириш борасида келишиб олди.

ИСЛОҲОТЛАР МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева аҳоли билан беvosита мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимизнинг Олмазор туманида бўлди.

Сенат Раиси тумандаги Олтинсой маҳалласининг “Нуронийлар маскан”и мажмуасида “маҳалла еттилиги” тизими фаолияти билан танишди.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган барча ислохот, аввало, маҳалладан бошланиши ҳамда аҳоли

фаровонлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий-ижтимоий дастурлар ушбу тузилма тизимида жорий этилиши йўлга қўйилган.

Т. Норбоева фаоллар билан суҳбат жараёнида қуйи бўғида “маҳалла еттилиги” ҳамда маҳаллий Кен-

гаш депутатлари ҳамкорлиги учун қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан тавсиялар берди.

Анъанага мувофиқ, Ҳайит айёми арафасида тумanning ижтимоий химояга муҳтож оилалари ҳолидан хабар олинди. Шунингдек, нуронийлар ва ёшлар иштирокида миллий қадриятларимиздан ҳисобланган сумалак сайли ташкил этилди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ФАРЗАНДЛАР САЛОМАТЛИГИ — ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати бўйича парламент назорати олиб борилмоқда. Унинг доирасида қўмита раиси ўринбосари О. Атаниязова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Наманган вилоятида ўрганишлар ўтказди.

Соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш масалалари умуммиллий қадриятларимизнинг асосини ташкил қилади. Зеро, халқимиз мустаҳкам оила барпо этиш, ўғил-қизларини ҳар томонлама етуқ қилиб тарбиялаш, уларнинг бахтидан қувонишдек эзгу қазилатларга суянади. Азал-азалдан болаларга эътибор биринчи галдаги вазифалардан саналади.

Мазмулини, мамлакатимизда болалар соғлигини химоя қилиш, диагностика ва даволаш тизимини такомил-

лаштириш, хусусан, телемедицина ва рақамли технологияларни жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда 12,9 миллиондан ортик болаларга 824 та оилавий шифокорлик пункти, 984 та поликлиника ва 233 та болалар даволаш муассасаси тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, республикада 4247 ўриндан иборат 13 та ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ташкил этилган.

Ўрганишлар давомида ҳудудлардаги мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар, давлат ва ҳусусий клини-

каларда болалар учун яратилган тиббий хизмат шароитлари, шунингдек, туман ва шаҳар кўп тармоқли поликлиникаларнинг фаолияти таҳлил қилинди.

Шунингдек, Наманган вилояти кўп тармоқли болалар шифохонаси гематология бўлими, тез тиббий ёрдам хизматлари ҳамда мактабларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш шароитлари ўрганилди. Таҳлиллар натижасида болалар учун ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш сифатини, дори-дармон таъминотини, техник жиҳозлаш даражаси ва рақамлаштириш жараёнларини яхшилаш бўйича қатор тақлифлар ишлаб чиқилди.

Парламент назорати доирасида ўрганишлар Қорақалпоғистон Республикасида ҳам давом эттирилади.

«Халқ сўзи».

Халқаро анжуман олдида

ЖАҲОН ПАРЛАМЕНТАРИЗМИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда Парламентлараро Иттифоқ — дунёда шу йўналишдаги энг йирик ва нуфузли ташкилот сифатида глобал сиёсий жараёнларда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. 1889 йилда асос солинган ушбу тузилмага айни пайтда 181 та миллий ва 15 та минтақавий парламент аъзо бўлиб кирган.

Бу ташкилот нафақат парламентлар ўртасида мулоқот ва ҳамкорлик учун самарали майдон, балки инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, иқлим ўзгариши, ёшлар масалалари каби глобал муаммоларга вакиллик органлари орқали ечим топишга қаратилган муҳим сиёсий платформа ҳамдир. БМТ билан узвий ҳамкорлик қилувчи мазкур ташкилот фаолияти дунё парламентларини умумий қадриятлар атрофида жипслаштиришга қаратилган.

Шу нуктаи назардан, Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси ўтказишда мажбурий бўлиб, бу тадбир Тожикистоннинг халқаро сиёсий майдондаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Бу — мамлакатимизнинг халқаро сиёсий харитадаги ўрни, глобал жараёнлардаги мақоми тобора юксалаётганининг амалий тасдиғидир.

Нуфузли ташкилотнинг юбилей ассамблеясини Тошкентда ўтказиш — шараф билан бирга масъулият ҳамдир. Бугунги кунга келиб, 107 давлатдан 1100 дан ортик делегатлар, 46 та парламент спикерлари ва 63 та халқаро ташкилот вакиллари ушбу тadbбирда иштирок этишини тасдиқлаган. Президентимизнинг махсус қарори асосида ташкилотчилик ишларига барча масъул идоралар, парламент, ҳукумат ва жамоат ташкилотлари жалб этилди. Хавфсизлик, инфратузилма, ахборот сиёсати, маданий дастурлар ва тарғибот фаолияти халқаро стандартларга мувофиқ йўлга қўйилди.

Бундай кенг қўламадаги тadbбир илк бор юртимизда ўтказилмоқда ва у янги Ўзбекистон ислохотлари халқаро майдонда етарлиқа эътироф этилаётганининг ёрқин далилидир.

Ассамблеянинг бу йилги мавзуси — “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” деб белгиланди. Мазкур мавзу парламентлар энди фақат қонун қабул қилувчи эмас, балки ижтимоий ўзгаришларни амалга оширувчи — камбағаллиқни қисқартириш, тенг имкониятлар яратиш, инсон қадрини улуғлашда ташаб-

бускор сиёсий субъект сифатида қаралиши кераклигини аңглатади. Бу мавзудаги муҳокамалар дунё парламентлари ўртасида ўзаро тушуниш ва умумий ечимлар ишлаб чиқиш имкониятини кенгайтириши мумкин. Ассамблеяда ижтимоий химоя, таълим, соғлиқни сақлаш, аёллар ва ёшлар имкониятларини кенгайтиришга оид масалалар атрофича муҳокама этилади.

Ассамблея кун тартиби тинчлик ва хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари, иқлим ўзгариши, ёшлар ва аёллар фаолияти, қуролли моjarларар таъсири, БМТ билан ҳамкорлик каби долзарб йўналишларни қамраб олади. Асосий сессияда ижтимоий тараққиёт ва адолат мавзусида умумий сиёсий муҳокама ўтказилади. Шунингдек, ІРР қўмиталарининг ҳисоботлари, резолюция лойиҳалари муҳокамаси ва қабул қилиниши режалаштирилган.

Хусусан, Фаластиндаги вазият бўйича мақбул ечимни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсий баёнот ва тинчлик ташаббуслари муҳокама марказида бўлади. Ёшлар форуми, аёл депутатлар учрашуви, сунъий интеллект, болалар ҳуқуқлари ва иқлим масалалари бўйича алоҳида тadbбирлар ҳам ўтказилиши кўзда тутилган.

Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси нафақат жаҳон парламентаризми ривожига муҳим босқич, балки инсон қадрини устувор қўядиган янги сиёсий йўналишнинг бошланиши ҳамдир. Ассамблеяда қабул қилинадиган ҳужжатлар — декларация ва резолюциялар ХХІ асрдаги парламент фаолияти учун амалий “Йўл харитаси” бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон ушбу глобал сиёсий жараёнларда фаол овоз сифатида эмас, балки янги овоз яратувчи мамлакат сифатида ўзини намоён қилаёттир. Тошкент эса дунё парламентлари учун янги мулоқот марказига айланоқда.

Элдор ТҮЛЯКОВ,
«Тараққиёт стратегияси» маркази
ижрочи директори.

Қонунчилик палатасида



БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҚОБИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида семинар ўтказилди. Унда мамлакатимизда воғга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишнинг муқобил чора-тadbбирлари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда болаларга ғамхўрлик қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бола ҳуқуқлари қафолатларини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг “Бола ҳуқуқларининг қафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тadbбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмени) институти таъсис этилди.

Янги тахрирдаги Конституциямизда ҳам боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда химоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш давлатнинг мажбурияти экани алоҳида белгилан қўйилди.

Семинарда ЮНИСЕФнинг болалар учун адолат бўйича халқаро эксперти, БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг sobик раиси Рената Винтер бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича халқаро амалиёт ҳақида маълумотлар бериб ўтди.

Мамлакатимизда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси талабларини бажариш борасида кенг қўламадаги ишлар амалга оширилаётгани, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси доирасида ҳам болалар ҳуқуқларини химоя қилиш ҳамда рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қоидаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига мазкур Конвенциянинг бажарилиши тўғрисида доимий равишда ҳисоботлар ҳам тақдим этиб бораётгани айтиб ўтилди.

Ўшбу семинар болаларга ўз вақтида ва етарли ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни таъминлаш масалалари бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш борасида, идоралараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу соҳадаги қонунийликни такомиллаштиришда ўзаро фикр алмашиш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилиши қайд этилди.

Шунингдек, болалар ҳуқуқлари химоясига оид қонунчиликни такомиллаштириш, қонунларнинг ижросини назоратга олиш, бу борадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тadbбирда боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш ва химоя қилиш бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар берилиб, бу борадаги қонунчиликни мунтазам равишда халқаро ҳужжатлар билан йўналштириб бориш, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш юзасидан амалий ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ПИ ассамблеяси:

КЕНГАЯЁТГАН ДИПЛОМАТИК ИМКОНИЯТЛАР

2025 йил Марказий Осиё ва хусусан, Ўзбекистон учун халқаро сиёсий майдонда муҳим бурилиш нуктаси бўлди. Сабаби, илк бор Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеяси ушбу минтақада, аниқроғи, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Бу Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада оширишда ва минтақанинг глобал сиёсий жараёнларга интеграциялашувида муҳим қадам ҳисобланади.

Мамлакатимиз Парламентлараро Иттифоққа 1992 йилда аъзо бўлган эса-да, ташкилот билан фаол ҳамкорлик 2017 йлда, яъни Ўзбекистон ўз тараққиётида янги босқичга ўтган вақтда, изчил ислохотларни дадил бошлаган пайтда қайта тикланди. Натжида, ўтган қисқа давр ичида миллий парламентаризм ва барқарор ривожланиш соҳасида улкан тажриба тўпланди. Юртимизнинг қатор соҳаларда эришган ютуқлари халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Айни чоғда ассамблеянинг Тошкентда ўтказилиши ўзаро ишонч рамизи ҳамдир. Чунки бу Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ортиб бораётганидан, минтақадаги барқарорлик ва ислохотларга оид позицияси эътироф этилаётганидан далолат беради. Бу танлов халқаро ҳам-жамиятнинг мамлакатда амалга оширилаётган очкиклик, демократлашув ва парламент фаолиятини кучайтиришга доир ислохотларни қўллаб-қувватлаётганини кўрсатади.

Миллий парламентаризм бу каби йирик платформани қабул қилиш орқали халқаро микёсдаги сиёсий субъект сифатида тан олинди. Бу мамлакатнинг ташқи сиёсатдаги ролини мустаҳкамлайди ва янги дипломатик имкониятларни очди. Ассамблея доирасида 180 дан ортик мамлакатлар парламент делегациялари Тошкентга ташириф буюради. Бу икки ва кўп томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, қонунчилик йўналишида тажриба алмашиш ва янги ташаббуслар учун майдон яратди.

Шу ўринда айтиш жоизки, янги тахрирдаги Конституциямиз орқали парламенти-миз палаталарининг биргаликдаги ҳамда алоҳида ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Парламентлараро Иттифоқ-

нинг асосий вазифаларидан бири ҳам айнан парламент демократиясини ривожлантириш саналади. Шу боис ушбу ташкилот билан алоқаларнинг кенгайиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳаммадан. Қолаверса, ассамблея доирасида Ўзбекистондаги сайлов тизими, қонунчилик фаолияти, фуқароларнинг иштироки каби мавзулар муҳокама қилиниши ва халқаро стандартларга мос равишда янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг мазкур тadbбирга меъзолиқ қилиши минтақавий етак

КУЧЛИ ДАВЛАТНИ БИЛИМЛИ ЁШЛАР ҚУРАДИ

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, уларнинг қадр-қимматини улуғлаш янги Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида етакчи ўринга чиқди. Айниқса, аёлларнинг таълим олиши, илм-фан билан шуғулланиши йўлида қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётгани таҳсинга сазовор.

Бундай имкониятлар кўламидан нозик хилқат эгалари ҳам мотивация олиб, бор куч ва шижоатини илмга бахшида этмоқда. Бугунги кунда 6,2 мингдан зиёд хотин-қизлар илмий фаолият билан шуғулланаётгани, илмий ишланмаларнинг 25 фоизи олимпиада аёлларимиз ташаббуси эканлиги ҳам жамиятда уларнинг ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат. Уларнинг орасида халқроқ даражада эътироф этилаётган илм-фан вакилларининг борлиги барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди.



Фикр

Lambert Academic Publishing" нашриёти томонидан немис, испан, итальян, француз, поляк, португал, инглиз, рус тилларида чоп қилинди.

Халқаро Нордик университети томонидан нашрга тавсия этилган ушбу китобда мамлакатимизда олиб борилаётган валюта сиёсатини такомиллаштириш асосида иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш масалалари таҳлил қилиниб, бу борада амалий таклифлар илгари сурилган.

Таъкидлаш жоизки, валюта сиёсати ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг таъсирчан воситасидир. Валюта курси мамлакат ички ва ташқи иқтисодиёти билан ўзаро боғлиқ бўлиб, унинг ўзгариши мамлакат иқтисодиётига ва ташқи иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Валюта курси ва унинг келгусидаги ҳолати ташқи иқтисодий муносабатларини, айниқса, ташқи савдони ривожлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шу жиҳатдан олганда, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида пул-кредит, фискал ва ташқи савдо сиёсатларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда товар ва хизматлар бозорида рақобат муҳитини яхшилашга қаратилган таркибий ислохотларни давом эттириш орқали 2030 йилга бориб йиллик инфляция 5-6 фоиз даражадан ошмаслигини таъминлаш вазифаси белгилаб берилишининг ўзиёқ танланган тадқиқот мавзусининг нечоғли долзарб эканлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, иқтисодиёт таркибини диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардош-

лигини кучайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоғига бозор механизмларини изчиллик билан жорий этиш, камбағаллиқни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш, рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш, давлат компанияларини трансформация қилиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иш-тироқини камайтириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишини ташкил этади.

Аёнки, ривожланаётган давлатларда ташқи савдо айланмасынинг кўпайиб бораётгани, хорижий инвестициялар келишининг ортаётгани, ички иқтисодиётларнинг жаҳон иқтисодиётига тобора интеграллашаётгани ҳамда долларлашув даражасининг кескин кўтарилиб бораётгани ички иқтисодиётларнинг халқаро валюта бозорларидаги тебранишларга таъсирчанлигини ошираётир. Аммо ривожланаётган давлатларда валюта сиёсатининг етарлича раванқ топмаганилиги ва айниқса, уларда миллий валюталарнинг девальвацияга учраётганини кўришимиз мумкин.

Аслида, узоқ мuddатли иқтисодий ўсишга эришиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва миллий ишлаб чиқаришнинг самарадор-

Ишончимиз комилки, ёш олимпиада Мухлиса Норбоеванинг ушбу китоби талабалар, иқтисодиёт тармоқларида фаолият олиб боровчи мутахассислар ҳамда қизиқувчилар учун қўлланма вазифасини ўтайди.

Баҳодир ҲАСАНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Аудит кафедраси профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАГИ ВАТАНДОШЛАР ҲАМ РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАДИ

30 март кuni дунёнинг турли мамлакатларида бўлгани каби Корея Республикасида ҳам Рамазон ҳайити кенг нишонланди.

Шукух

Хусусан, бу ўлкада вақтинча ишлаётган ва таълим олаётган ватандошларимиз ҳам ушбу байрамни кўтаринки руҳда кутиб олди.

Бундан ташқари, муборак Рамазон ойи муносабати билан Жанубий Кореяда бўлиб турган ватандошларимиз ўртасида маънавий-маърифий суҳбатлар ўтказиш мақсадида Ўзбекистон musulmonлари идораси расмий вакиллари ушбу мамлакатда бўлди.

Ўртимиз элчихонаси ташаббуси билан амалга оширилган ушбу таъриф доирасида имомларимиз иштирокида Жанубий Кореядаги фуқароларимиз зич яшайдиган шаҳарлар-

да "Рамазон — 2025" илмий-маърифий тадбирлари ўтказилди.

Алоҳида таъкид шуки юртдошларимиз энг кўп яшайдиган Мокпо, Тагу ва Чонджу каби шаҳарларда имомларимиз билан биргаликда Рамазон ҳайити намози ўқилди.

Маърузалар давомида Ўзбекистон Президентининг халқимизга Рамазон ҳайити муносабати билан йўллаган табригининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўзлаб берилди.

Айниқса, мамлакатимиз раҳбари табригидаги "Мана шу шуқули айёмида чет элларда она юртга садоқат туйғуси билан яшаётган ватандошларимизни ҳам Рамазон ҳайити билан чин дилдан қутлаб, уларга эзгу тилакларимизни иззор этамиз", деган фикрлар алоҳида урғуланди.

Ҳукуматимиз томонидан хорижда истиқомат

қилаётган фуқароларимизга қаратилаётган эътибор учун ватандошларимиз миннатдорлик билдирди. Шунингдек, улар жонахон Ўзбекистонимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигини сўраб дуолар қилди.

— Бу йил муборак Рамазон ойини Жанубий Кореядаги муҳожириларимиз билан биргаликда кўтаринки руҳда ўтказдик, — дейди Тошкент шаҳридаги "Юнус ота" масжиди имом хатиби Жамолддин Кодиров. — Бир ой давомида Чонджу шаҳрида истиқомат қилаётган ватандошларга муқаддас ислом динининг асл моҳияти, Рамазон ойи фазилатлари, шўкро-нахлик ҳисси билан яшаш, берилган неъматларнинг қадрига етиш, урғу раванқли, халқимиз ҳамжиҳатлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилишнинг аҳамияти хусусида маърузалар ўқидик.

«Дунё» АА.
Сейул

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига

ШАХМАТ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ

Президентимиз ташаббуси билан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, бунинг учун зарур тузилмаларни шакллантириш йўналишларида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Натижада мамлакатимиз спортчилари халқаро мусобақаларда тарихий ютуқларга эришмоқда.

Мазкур йўналишлардаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам турли соҳаларда меҳнат қилаётган хо-

димлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини кучайтириш, бу орқали ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва

меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш борасида тизимли ишларни амалга ошириб келаётир. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида "Шахмат мактаби"нинг очилиши бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Янги Ўзбекистонда шахматни янада ривожлантириш, меҳнат-кашлар, жумладан, ёшлар ўртасида бу спорт турини оммавий ҳаракатга айлантириш ишларида муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ташкил этилган мазкур мактабнинг очилиш маросимида соҳага тааллуқли идоралар мутасаддилари, шахмат усталари, жамоатчилик вакиллари ва талаба-ёшлар қатнашди.

Айтилганидек, мамлакатимиз касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги олдида амалга оши-

рилган ушбу хайрли лойиҳа натижасида шахмат ишқибозлари мазкур мактабда "ақл гимнастикаси" сирларини бепул ўрганиш имкониятига эга бўлди. Зеро, бу муассаса, аҳоли, айниқса, ўқувчи-ёшлар ўртасида шахматни кенг тарғиб этиш билан бирга, йигит-қизлар орасида "ақл гимнастикаси"га қизиқувчи ёш иқтидорларни аниқлаб, қобилиятларини юзага чиқариш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, бу орқали кучли шахматчилар етишиб чиқишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси юртимизда спортнинг ушбу турини омма-лаштириш бўйича яна бир қатор хайрли лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган. Хусусан, меҳнат жамоаларида шахмат клубларини ташкил этиш, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ўртасида ҳар йили шахмат бўйича турли мусобақалар ўтказиш қўламини янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).



Ҳампортларимиз йилнинг энг кучлилари сафида

Халқаро конкичилар иттифоқи (ISU) жорий мавсум якуни бўйича кучлиларни эълон қилди.

Аҳамиятлиси, фигурали учин бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Дмитрий Чигирев ҳамда Екатерина Гейнш жувтлиги "Энг яхши дебютант" номинациясида голиб бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳампортларимиз жорий мавсум илк бор катталар ўртасидаги халқаро турнирларда иштирок этди. Шундай бўлса-да, улар "Харбин — 2025" қишки Осиё ўйинларида олтин, Канада Гран-присида қумуш медалларга сазовор бўлишди.

Қолаверса, Бостон шаҳрида ўтган жаҳон чемпио-натидида кучли ўнликдан жой олиб, "Милан-Кортина — 2026" қишки Олимпиада ўйинлари ўналимасини қўлга киритди.



Сув полоси: Ўзбекистон қизлар жамоаси Осиёда учинчи



Сингапурда сув полоси бўйича "U-20" ёш тоифасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда қитъанинг саккизта давлат терма жамоалари голиблик учун курашди.

Мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси "В" гуруҳида Хитой Тайпейи, Сингапур ва Қозоғистон жамоаларига қарши баҳс олиб борган бўлса, "А" гуруҳида Эрон, Малайзия, Хитой ва Шри-Ланка вакиллари беллашди.

Олти кун давом этган қизгин бахсларда Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси 5-ўрин билан қифояланган бўлса, қизлар жамоаси гуруҳ босқинини муваффақиятли якунлаб, голиблик учун курашиш имкония-тини қўлга киритди.

Якуний натижаларга кўра Ўзбекистон қизлар жамоаси бронза медалига сазовор бўлди. Мусобақада Хитой жамоаси чемпионлиқни қўлга киритган бўлса, Қозоғистон вакиллари қумуш медал билан тақдирланди.

«Олимпиада — 2036»: даъвогарлар кўп, аммо мезбонлик кимга насиб этади?

2036 йилги ёзги Олимпиада ўйинлари мезбонли-ги учун бир неча давлат даъвогарлик қилимоқда.

Расмий манбаларнинг хабарига кўра Ҳиндистон Деҳли ҳамда Агра шаҳарларини асосий номзод сифатида кўрсатиб, уларнинг инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётир. Шу билан бирга, Туркия давлати ҳам Олимпиадани ўтказиш ис-тагини билдирган. Миср эса Қоҳира яқинида махсус Олимпиада шаҳарчаси қуришни режалаштирмоқда.

Жанубий Корея, Қатар, Германия, Мексика ва Вен-грия ҳам энг йирик спорт анжумани мезбонлиги учун курашяпти. Якуний қарорни Халқаро Олимпиада қўмитаси кейинги йил эълон қилиши кутилмоқда.

Юнон-рум кураши: медаллар бор, бироқ бу етарли эмас



25 — 30 март кунлари Иорданияда спорт кураш-лари бўйича қитъа биринчилиги ташкил этилди.

Мусобақанинг сўнгги йили кунда эркин кураш бахс-лари бўлиб ўтди. Афсуски, бу галги Осиё чемпионати ушбу йўналишдаги спортчиларимиз учун омадсиз тугади. Шу тариқа, мусобақада юнон-рум курашчиларимиз 3 та олтин, 2 та қумуш ва 1 та бронза, қизларимиз эса 1 та бронза медалига сазовор бўлди.

«Халқ сўзи».

Китоб жавонигизга

ИҚТИСОДИЁТГА ЙЎЛ ОЧГАН 40 ЮЛДУЗ

Халқаро Нордик университети-нинг илм-фан соҳасидаги навбат-даги хайрли ишларидан бири — "Иқтисодиёт илми осмонидида юл-дузга айланганлар" номли иккинчи рисола кенг китобхонлар оммаси-га тўхда этилди.

Рисола да илм-фан тарақ-қиёти йўлида муҳим кашфиёт-ларни амалга оширгани учун турли йилларда Нобель мукофо-тига сазовор бўлган 40 нафар олимнинг ҳаёти ва фаолияти, турли йилларда олинган интервьюлар жамланган.

Шерзод Мустафоқулов, Ҳасан Со-бинов, Низомиддин Ўрмонов ва Мух-тасар Исоқова ҳам муаллифлигида тай-ёрланган рисолада таниқли олимлар-нинг жамиятга қандай ҳисса қўшгани, илм-фан ва тараққиёт сари босиб ўтган йўллари батафсил баён қилинган.

Кашфиётлар, қонунлар ва меха-низмлар ҳақидаги батафсил билим дарҳол татбиқ этилмаслиги мумкин. Аммо улар билан танишиш дунё аҳлига коинотдаги ўрнини англаш-га, атроф-муҳитдан хабардор бўлиш-га ёрдам беради. Шу маънода, ки-тобга киритилган мукофот соҳибла-рини инсониятга, тараққиётга катта фойда келтирган инсонлар, деб атасак, муболага бўлмайди. Улар-нинг ҳаёти ва илмий фаолияти билан танишиш китобхонлар учун улкан илҳом манбаидир.

Қайд этиш жоизки, ушбу рисола нафақат иқтисодиёт йўналишида таъ-лим олаётган талабалар, ёш тадқи-қотчилар, педагоглар, балки кенг ки-тобхонлар оммаси учун муҳим қўллан-ма ҳисобланади.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 374 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.

Мусахҳис — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.15 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5 6

Остона шаҳрида 10 ёшгача бўлган болалар ўртасида футбол бўйича «Astana cup — 2025» турнирида Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси 2-ўринни эгаллади.